


Ը. Աստուծո՞ւն



Երկրորդ
„Երբեք եւ Երբեք“ գոհուն
եւ
Յիսուս ազատի իման

Ушбу қўлланма „Ўзбек адабий тили тарихи“ фани бўйича сиртки бўлим талабаларига ёрдам тариқасида яратилган. Унда муаллиф XIV асрда ўтган хоразмлик шоир Кутбнинг „Хусрав ва Ширин“ достонининг тилими ўша давр ўзбек адабий тили билан чоғиштириб ўргатади. Ўлар тилининг ўзига хос хусусиятларини асардан келтирилган бой мисоллар исосида тушунтириб беради. Талабалар ушбу асарнинг ўзбек адабий тили тарихида тутган ўрни, унинг лексик, фонетик, морфологик хусусиятлари ҳақида муайян тушунчаларга эга бўладилар.

Шунингдек, рисоладан мазкур фан билан кизикувчи бошқа китоб-хонлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Т а к р и з ч и л а р : филологлар фанлари докторлари,
профессор *Б.Тўхтеев, Б.Бафоев*

Олий ўқув юр்தларининг ўзбек филологияси факультетларида „Ўзбек адабий тили тарихи“ курсининг ўқитилаётганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бу давр ичида, гарчанд, ўзбек тили тарихи муаммолари бўйича анча ишлар қилинган бўлса-да, „Ўзбек адабий тили тарихи“нинг мукаммал дарелиги яратилганича йўқ. Тўғри, бу борада дастлаб хусусий йўл билан, сўнг қўлланма сифатида профессор У. Турсунов ўқиган лекциялар асосида Б. Уринбоев „Ўзбек адабий тили тарихи“ китобини эълон қилди¹. Кейинчалик, яъни 1995 йилда эса У. Турсунов, Б. Уринбоев, А. Алиевларнинг, сўнгра А. Мухторов ва У. Санақуловларнинг юқоридаги номда дарелик ва ўқув қўлланмалари босилиб чиқди. Албатта, мазкур дарелик ва қўлланманинг бунёдга келиши бу соҳадаги улкан воқеа бўлди, чунки филолог талабалар ўзбек адабий тили тарихининг мазмуни, асосий йўналишлари тўғрисида яхлитроқ билим олиш имкониятига эга бўлдилар, лекин бу дарелик ва қўлланма фақат йўлланма бериш билан чекланган бўлиб, ўзбек адабий тили тараққиётида муҳим роль ўйнаган манбалар тили тўғрисида тўла маълумот бериш олмас эди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Маълумки, ўзбек тили манбаларининг тарихий грамматика нуқтаи назаридан ўрганилиши устун бўлиб, адабий тил жихатидан эса йўл-йўлакай фикр айтиб келинган, холос. Шу туфайли юқоридаги муаллифлар ҳар бир асарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда маълум бир даврдаги манбалар билан ўзаро ўхшаш ёки қинлигини ҳар томонлама сритиш имкониятидан маҳрум эдилар. Дарелик ва қўлланмадаги материаллар эса муаллифларнинг дастлабки кузатишлари ҳамда тарихий грамматика соҳасида бор бўлган (баъзан адабий шахслар ҳақида айтилган) айрим маълумотлардангина иборатдир.

„Ўзбек адабий тили тарихи“ дарелигини яратиш иши

4601000000—270

А

153—97

353(04)—97

ISBN 5—645—02975—5

© „Ўқитувчи“ нашришти, 1997

осон эмас. Шу туфайли, бизнинг назаримизда, узбек адабий тилига катта ҳисса қўшган адиблар ва уларнинг асарлари тилини алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқиш ҳамда бундай тажрибаларни умумлаштириб, муҳокамадан ўтказиш асосида мукамал дарслик яратиш мумкин. Масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олиб, тажриба тариқасида мазкур рисола тартиб қилишга жазм этдик.

Шуни эътиборга олиш керакки, бу рисола муаллифнинг факат ўз қарашлари ва тадқиқоти эмас, балки кўпроқ шу соҳадаги мавжуд тадқиқотлар ҳамда изланишларни умумлаштиришга асосланган. Бу рисоладан асосий мақсад талабага „Хусрав ва Ширин“ достонининг ўзбек адабий тили арихида тутган ўрнини мумкин қадар яхлитроқ ёритиб беришдир.

Ўзбек дунёвий адабистининг ва адабий тилининг қимматли ёдгорликларидан бири хоразмлик шоир Қутбнинг „Хусрав ва Ширин“ достонидир. Адабиётларда Қутбнинг истеъдодли шоир бўлганиги, лекин унинг факат „Хусрав ва Ширин“ достони таржимасигина етиб келганлиги ҳақида маълумот бор, ҳолос. Фан оламида бу достоннинг Париж Миллий кутубхонасида сақланган ва 1383 йилда Берка Фақих томонидан кўчирилган нусхаси маълумдир⁴.

Адабиётларда бу асар Олтин Ўрда сирасига қиравчи асар сифатида қайд қилинади. Бунинг ҳам ўзича изоҳлари мавжуд. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Хоразм икки қисмга бўлинган бўлиб, шимолий қисми Олтин Ўрда таркибига (маркази — Урганч), жанубий қисми Чигатой улусига (маркази — Кат) қараган. Ўзбекистон тарихи муаллифларининг ёзишларича, Олтин Ўрда сунъий бир давлат бўлиб, унга Қрим, Волга бўйи ва Хоразм ахриси бўйсунган⁷. Шу туфайли „Хусрав ва Ширин“ асарини ҳам Олтин Ўрда, ҳам Хоразм ёдномаси дсб юритиш мумкин бўлган.

АСАР ТИЛИ ВА ШЕВА ХУСУСИДА

А.М. Шчербак асар тили Олтин Ўрда туркумига қирадиган „Муҳаббатнома“ ва „Таашшукнома“ асарлари тилидан луғавий, фонстик ва морфологик жиҳатдан фаркланиши, айни замонда қорахонийлар даври ёдгорликлари бўлган Юсуф Хос Хожибнинг „Қутадғу билиг“ ва Аҳмад Юғнакийнинг „Ҳибатул ҳақойиқ“ асар-

лари билан бир қаторда туришини айтади, лекин қайд этилган асарлар тили билан қиёсланган фактларни келтирмайди, балки „Хусрав ва Ширин“ достони тилига хос бўлган айрим фонстик ва морфологик хусусиятларни санаб ўтади, ҳолос.

„Хусрав ва Ширин“ достони ва умуман, XIV аср ёдгорликлари устида махсус тадқиқот иши олиб борган Э.И. Фозилов ҳам асар тилининг „Девону луготит турк“, „Қутадғу буюш“, „Ҳибатул ҳақойиқ“ асарлари тилининг хусусиятлари билан айрим умумий томонларга эга эканлигини кўрсатади ҳамда ўша хусусиятларни санаб ўтади. Шу билан бирга, Э.И. Фозилов Хоразм ёдгорликларининг диалектал асослари тўғрисида фикр билдириб, унда ўғуз, қипчоқ, бўлғор, уйғур унсурларининг синонимик қўлланишини таъкидлайди ҳамда П.М. Мелиоранскийнинг „диалектал ранг-баранглик“ ҳақидаги фикрига тўла қўшилади⁹.

Шу муносабат билан айрим мулоҳазаларни билдириш ўринли бўлади. „Хусрав ва Ширин“ асари маълум адабий тил анъанаси юзага келган даврда яратилган. Бу даврда адабий тилда эндигина меъёрлар тизими пайдо бўла бошлаган эди, айни замонда, қорахонийлар даврида яратилган адабий тил анъанасининг таъсири кучли эди, чунки ўша даврда ўзини олим ва фозил санаган ҳар бир киши бутун шарққа машҳур бўлган „Қутадғу билиг“, „Ҳибатул ҳақойиқ“ асарларини ўрганмасдан, ундан баҳра олмасдан қолмас эди. Маълумки, санаб ўтилган асарлар тилида ҳам қарлұқ, ҳам чигил диалектларининг хусусиятлари акс этган. Шу жиҳатдан ҳам „Хусрав ва Ширин“ достони тилида уйғур тили улсурлари бўлган. Аслида уйғур тили улсурлари тўғридан-тўғри уйғур тили ёки унинг диалекти таъсирида эмас, балки мавжуд адабий тил анъанаси туфайли юзага келган. Англашиладики, асар тили шеваси хусусида гап борар экан, „диалектлар ранг-баранглиги“ ҳақида эмас, балки ўғуз-қипчоқ шевасининг қисман таъсири ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан яна бир фикрга ойдиулик киритишни мақсадга мувофиқ; деб биламиз.

Ўзбек адгбий тили тарихига назар ташласак, XIII—XIV асрларда эндигина эски туркий адабий тилдан ажралиб чиқа бошлаган эски узбек адабий тилининг „қарлұқ-хоразм адабий тили“, „Чигатой улуси адабий тили“, „Олтин

Урда адабий тили" деталя сриликлар билан юритилганини кўрамиз. Сиртдан карагандл, узбек адабий тили хусусида дсярли гап бормаётгандек туюлади. Нима учун бир адабий тилни турлича номлаш зарур бўлади? Аслида бунга хржат йўқ, чунки XIII—XIV асрларда яратилган асарларда гарчи маълум даражада диалектал фарклар мавжуд бўлса-да, уларни турли-туман адабий тил манбаи сифатида караш мумкин эмас. Бу қисқа даврдаги адабий тилнинг турлича номланиши рус олимларининг асарлари оркали фанда ўзлашиб қолади. Узбек адабий тилининг юкбридаги каби турлича номланишда, айниқса, „Чигатой“, „Олтин Урда“ номлари билан юритилишида илмий-лисоний асос йўқ бўлиб, у кўпроқ босқинчилик сиссати билан боғланган эди. Шу туфайли XIII—XIV асрларда яратилган ва юқоридагидек турлича номланиб кслинган асарлар тилини адабий тил нуқтаи назаридан умумлаштириб ўрганиш керак, лекин ўзига хос томонлари бўрттириб кўрсатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Н.М. Маллаев „Хусрав ва Ширин“ достони XIV аср узбек адабий тили ва Хоразм диалектининг муҳим ёдгорлиги эканлигини таъкидлайди¹⁰. Бу фикр ҳам изоҳ талаб қилади. Умуман олганда, ҳар бир бадиий асарни маълум диалект билан боғлаб қўйиш мумкин эмас, чунки аввал таъкидлаганимиздек, бадиий асар адабий тил анъанаси асосида юзага келади, яъни маълум диалектнинг бадиий асари ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Шу маънода „Хусрав ва Ширин“ достонининг тили Хоразм диалекти асосида яратилган деб айтиш қийин. Иккинчи томондан, ҳар бир асар муаллифи муайян диалектнинг вакили бўлганлиги учун ҳам асарида ўз диалекти унсурларидан фойдаланиши аниқ. Бу эса бадиий асарни маълум диалект билангина боғлаб қўйиш учун асос бўла олмайди. Н.М. Маллаевнинг юқоридаги фикри адабиётчиларга хос муболаға билан айтилганини таъкидлаш ўринли бўлади.

Асар тилининг фонетик жихатдан қайси диалектга алоқадорлиги масаласи ҳам эътиборни тортади. Бу масалада ҳам ихтилофли фикрлар мавжуд. А.М. Шчербак асар тилида Ъ (дз)—д қоришиқ ундошининг кенг қўлланишини таъкидлайди, лекин У. Турсунов ва Б. Уринбоевлар Олтин Урда адабий тилининг диалектал ўзига хослигини кўрсатишда 3 ундошининг „й“ ундошига мисол келиши билан низоҳлайдилар. Уларнинг бу

fikri bevosita „Хусрав ва Ширин“ достонига ҳам тегишлидир. Бизнингча, бу масалага Э.Нажиб тўла аниқлик киритган эди. Э.Нажиб ажойиб фактни келтиради. Унинг кўрсатишича, асарда 67 та сўзда) ундоши кайд қилинган. Шундан 29 таси такрорланмайдиган сўзлар (ўзаклар) бўлиб, 11 тасида „й“ муқобиллари, 2 тасида эса „з“ муқобиллари мавжуд. Демак, 16 тасида „й“ ундошига ўтмаган, яъни муқобил бўлмаган S ундошли сўз кайд қилинган.

Қ.Махмудов XIII—XIV асрлар ёдгорликлари фонетикасини ўрганар экан, „Хусрав ва Ширин“ достонида i (з) ундоши (J, (й) ундоши билан снма-ён қўлланиганини айтади, лекин „й“ ундоши билан алмашган ўринларга мисол келтирмайди, аксинча .> ундошли сўзларга —адақ, —қаду мисолларини келтириш билан чегараланади¹⁴. Бундан шундай хулоса чиқадики, асарда ҳамон S —лашиш сакланади. Мисолларга мурожаат қиламиз: >\ (ад)—исм, U iiij.il (эдэрлэмек) — эгарламок, ^ £ la\ (эдгулук) — яхшилиқ, fjl ^ ijl (удымак.) — ухламок, _>~«j I (умид) — умид, ^ Jj^ (шадлык.) — шодлик, > 3>» (коду) — қўйи, " ^ J I ^ J (кудэку) — куёв, почча ва бошқалар. Матндан мисоллар келтирамиз:

Адақ! йер йузини барча кезмиш,
Фэлэк аныц **И Ш I Щ** ройынча тузмиш. (138)

Оғул елгу йаман че кьлса андын,
Квру ез оглы йандурғай жазасын. (141)

Пэрилэр бирлэ йетги ерсэ ул хур,
Кодиб суратны теркин кегги Шавур. (151)

достон тилининг лексик хусусиятлари

Э.Нажиб достон тилида 2500 туркий сўзлар қўлланганлигини кўрсади. Бу рақам ичига сўзларнинг турли вариантда сзилишини ҳам киритган. Масалан:

ЛsS - W I (ат), **V > L , ^ > tUi't** 'актачн, табиб),

<_JL V _ ,_j_>^ (св) ва бошқалар.

Достон лексикасида умумтуркий сўзлар 39 % ни ташкил этади, колган сўзлар эса ўғуз (12), кипчок (8), жануби-шарқий диалектга оид (21), ўғуз-кипчок (3), шарқий ўғуз (3), шарқий кипчок (14) унсурларидан иборат. Туркий сўзлар достон тилида тахминан 65 % ни ташкил қилади. Шу билан биргаликда достон лексикасида қуйидаги катламлар кўзга ташланади:

1. Турк-мўғул тиллари даврига оид сўзлар. Маълумки, туркий тиллар мўғул тиллари билан биргаликда олтой тиллари оиласини ташкил этади¹⁷. Шунинг учун ҳам асар тилида (умуман, ҳар бир туркий тилда) туркий ва мўғул тиллари учун умумий лексик қатлам мавжуд. Буни қуйидаги сўзлар м солида кўрсатиш мумкин: Адақ, иди (хоким), срэн (кишилар), арпа, арт, эртэ (эрта) арслан, армтмақ (тозаламоқ), асан (эсон), ал (қизил), алтун, алдаг (алдоқчи), алые, алма, эмгэк, умынж (умид), анбар (сарой), ав (ов), узук (ғам), ерк (асос), уруғ (оила), улус, елчи, баг (боғич), бал (асал), билик, табақ совқат), табғ (хизмат), сормақ (сўрмоқ), сунмэк (таклиф қилмоқ), каты (қаттик), кан, карак (кўз қорачиғи), қарши (сарой), қарғу (кўр), камуғ (барча), коцрағу (кўнғироқ), къф (чўл), керэк, кекс (кўкрак), кичи (кичик), мал (бойлик), йурук, йуз, йыл, йимиш (мева) ва бошқалар.

2. Арабча-форсча сўзлар. Достон тилида арабча-форсча сўзларнинг бўлиши икки муносабат билан изоҳланади, яъни асар бевосита форс-тожик тилидан таржима қилинганлиги туфайли ҳам форсча-тожикча сўзлардан фойдаланиш зарурияти бўлган; иккинчидан, муаллиф яшаган воҳада туркий тил форс-тожик тилини аллақачон сиқиб чиқарган бўлса-да, бу тил унсурлари хали истеъмолда бўлган. Араб тили унсурлари эса бевосита ислом дини таъсирида ҳамда форс-тожик тили орқали ўзлашиб колган. Асар тилида қуйидаги арабча сўзлар қўлланган: ажал, ахыр, адэм, асбабГ атраф, имин (тинчлик), ҳукм, хазина, а'зиз, адл, фэлэк, қувват, қайсар, васийат, йас (мотам).

Қуйидаги каби форсча сўзлар қўлланган: арам, азад, таж, тахт, хаста, хумар (маслик), душвар, руста (чишлоқ), магар ва бошқалар.

Асарда синонимларни қўллашга ҳам эътибор берилган. Қуйида синонимлар қаторидан баъзиларини келтирамиз: адын-е'нин (бошқа), вкуш-ингэн-тэлим

(қўп), йиғли-свгэл (қасаллик), узак-алыс-йырак (узок), ел-улус (эл), йазмақ-йаньишак (янглишмоқ).

Жуфт сўзлар ҳам қўлланган: арты-аркаси, аш-су, ал-тун-кумуш, анак-чанақ (идиш), ичи-ташы, сркэк-тиши (эр-хотин), барим-йокмм (мол-дунс), биру бар (худо), кез-кулак, малу тавар (бойлик; артуқ-оксук (ортик-кам).

ДОСТОН ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Достон тилида, асосан 9 та унли, араб-форс сўзларидаги а (о) билан бирп. шкда 10 та унли қўлланган: а, а, э, о, в, у, и, ы, е (э). Бунда алиф а, а, и, ы, у, у, о, о унлиларини, ей и, ы, е (э), а унлиларини, вов эса'у, у, о, в унлиларини, хойи хавваз о, а унлиларини ифода қилишда қатнашган. Бу транскрипция белгиларнинг изоҳи узбек тилининг тарихий¹⁹ грамматикасига оид асарларда берилганлиги туфайли уларга махсус тўхталмасдан, досгондан қуйидаги мисолларни келтириш билан чегар;ланамиз:

Атаға ким бу йанлиғ қилса хызмат,
Оз **оғлы1дмн** анынтск тапға иззат. (141)

Адл белгусн билгурди озиндэ,
Жахан тутмақ нишПны хам йузиндэ. (141)

Бу кичик матнда юкоридаги барча унлилар акс этган.

Ундошлар ^ (б, п), (п), х_ ^ i (т), (с), **Ц** (Ж, 4), j j (ж) ^ (с), ^ ^ (ш), \p? (с), ^ > (з), U > (т), **U** > (з), £ (4), (х), <£, (х), > (д), 3 (Д), **J** (р), **J** (з), **f** > (м), ^ (н), j > (в), **Б** (х), (й), ц (т), £ (бу а, у, и унлиларини ифода қилган), £, (ғ), i_b (ф), (_£ Ц), <_A> (в), (к), ^ **J** (к.), (л) харфлари билан берилган.

Бу рўйхатдаги **Б**, / i_P харфлари билан ифода қилннган ундошларга нзоҳ бериш лозим бўлади. Адабиётларда j > (дз) -д ундошининг туркий гилларда қўлланиши ҳақида **ай1**. н бир хил фи. р баён қилинади, я'-ни бу ундошнинг қадимги туркий тилда бўлмаганлиги, лекин туркий уруғлардан бири бўлган чигиллар

диалектига хос эканлиги айтилади ва д-д-з (.э - > -J) тараққисти кўрсатилади²⁰. Ҳақиқатан ҳам, кадимги туркий тил бўйича яратилган дарсликларда j> (дз) ундоши ҳақида маълумотлар учрамайди. Айрим ишларда j ундошининг пайдо бўлиши XI—XII асрлар билан белгиланади .

Энди бу ундош қсйинги ҳрдисами? деган ҳақли савол тугилади. Шуни айтиш қсракки, / тилда товуш таркиби аслида мураккаблик томонига эмас, балки соддалик сари тараққий этади. Агар бу фикрдан қслиб чиқадиган бўлсак, i ундоши д (• ») ундошининг тараққ,нётидан ҳосил бўлган дсб ҳисоблаш мумкин эмас. Иккинчидан, нима учун Ь ундоши бирданига XI—XII асрларда пайдо бўлиб қолди? Бизнингча, ҳсч бир тил ҳрдисаси бирданига пайдо бўлиб қолмайди ва йўқолиб қстмайди. Шу нуктаи нзэдрдан қараганлз :> ундоши тасолифий ;одиса эмас, **(ншобарин,** j ундошнни ташунчи чигил қабила-ларининг вужутга қслиши ҳам тасодпфий ҳол эмас-ху! ДҒмл<с, 'игил **қабилалори** нуткидаги бу ундош ҳам XI—XII асрларда эмас, балки аввалдан, яъни кадимги дапрдан бери мавжуд бўлган. Бизнингча, XI—XII асрларгача бўл-ган ёдгорликлар ёзувида бу ундош ўзининг ҳарфий ифодасига эга бўлмаган. Бундай тнпдаги мураккаб ҳолат-ларда сдгорлнклардан мисоллар топса бўлади. Жумладан, қадимги туркий тилда в ундошининг ҳарфий ифодаси йўқ²², бундан лаб-лаб н ундоши кадимги туркий тилда бўлмаган, дсган қатъий ҳулоса чиқариш мумкин эмас. Бизнингча, j ундошипи ҳам кадимги туркий тилда қўлланмаган дсйиш қийин, балки бу товуш ҳарфий ифодага эга бўлмаган дейиш адолатлироқ бўлади, акс ҳолда бу ундош XI—XII асрларда пайдо бўляб қолмас эди. Шу ўрида А.М.Шчербакнинг 3 ундоши X—XII аср-ларгача ҳам реал фо!стик ҳодпса бўлгани ҳақидаги фпкрига тўла қўшилиш мумкин .

—£ j ҳарфлари билан белгилашан лаб-лаб в ундоши ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин..

Араб тилидан ўзлашган сўзлардаги ^ (се), (сод), (зод), ^ (изғи), . Ь (итқи), (айн), (хойи ҳутти), ^ (фе), б (хойи ҳавваз) ҳарфларинннг XIII—XIV асрларда туркий тилда фнзпологик (талаффузн ва эшптнлиши) жиҳатдан ўзлаш-иаганлиги ҳдкида ҳам фнкрлар мавжуд . Албагга, бу

фикрда жон бор, чунки ўз даврида Махмуд Кошгарий ва турли луғат муаллифлари бу ҳақда маълумот берганлар. Бу ўринда ҳам барча маълумотларни акнан қабул қилмаслнк лозим кўринади, яъни оддий халқ; юқоридаги ундошларни туркий тил фонстик қонунлари асосида та-лаффуз қилишига тўла ишонч билдириш мумкин. Лекин саводхон аҳоли бу ундошларнинг араб тилидаги ҳу-сусиятларини* сақлашга ҳаракат қилган бўлиши керак, чунки ҳатто ҳозирги диндорлар, араб сзувидан хабардор бўлганлар ҳам унинг аслий ҳусусиятларидан келиб чиқиб талаффуз қилишга ҳаракат қилмоқд; iар. Демак, „Хусрав ва Ширин" тилидага бу ундошларни ҳам саводхон аҳоли аслига мувофик, талаффуз қилган, дсйишга ҳақлимиз.

„Хусрав ва Ширин" достони тилида сингармонизм қонунияти тўла амал қилган. Маълумки, сингар-монизмнинг икки тури мавжуд. Туркий сўзларда танглай уйғунлиги тўла сақланади:

Кел, емди сен бу епкэлзрни қойгыл,
Бир анча ҳам нифак, билэ узр қыш. (273)

Бу байтда емди, опкэлзрни, қойплл, анча, билэ сўз-ларида танглай уйғунлиги сақланган лекин араб, форс тилларидан ўзлашган сўзларда (ўзак ва қўшимчаларда) бу қонуниятнинг амал қилиши қатъий эмас. Арабча ва форсча сўзларда танглай уйғунлигига риоя қилиниши ва бундан чекинишни қуйидаги мисолларда кўрсатишга ҳара-кат қиламиз:

1. Ўзак (арабча, форсча) ва қўшимча (туркий)ларда танглай уйғунлиги сг. ланади:

Не свзким айдын у.; йерлик йсриндэ,
Хатасы йок бу сезларнин, бириндэ. (225)

Мурадсызнын. мурадын бир рэва қыл,
Умынчсызныц умынчыка всфа қил. (287)

2. Туркий қўшимча арабча, форсча сўзнинг охир'ги бўғинига уйғунлашади:

Йелиб йелтек рэв^я ул тағқа йетти, .
Белин баглады истидздын етти. (235)

Вэфалыг кулны бир йолы унутма,
Сут орныка йана ағу татутма. (238)

Лаб уйғуилигига ҳам амал қилинган.

1. Барча бўғинларда лаб уйғунлиги сақланади:

Қамуғ турлук коркун. бир иллаким дарнғ ул,
Табар текмэ кишилэр табғица йол. (256)

Чыкыб сиз таш ешиқдэ олтуруцуз,
Йавуқ йтсэ, бакыб йахши керуцуз. (263)

2. Қўшимча сўзнинг охирги лабланган бўғини уйғун-
лашади:

Ва лекин мен туруб чыкмышда ксдин,
Тонуб кедуруб каравашлардан бирин. (256)

Йазуклуг куллар истигфары хаккн,
Хажьтллик йыгыси зары хаккъь (261)

3. Лаб уйғунлиги бузилади:

Хануз шукрицни айту билмэгэймен,
Тумандын бирин айту билмэгэймен. (261)

Лаб уйғунлигидан чекиниш ҳолатлари қонуний эмас,
балки унинг қонуниятларини ўрганиш **ТУШ** билимимизнинг
навбатдаги вазифаларидан биридир.

МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАР

Достон морфологиясида, бир томондан, эски туркий
тил аънаалари сақланди, иккинчи томондан, кейинчалик
у эски узбек адабий тилида меъёрга айланган морфологик
шакллар билан бойиди.

Достон тилида ҳам „Девону лугатит турк“, „Қутағу
билиг“, „Ҳибатул ҳақойик“ тилига хос бўлган куйидаги
тил хусусиятларини кўрамиз:

Қаратқич келишиги -им қўшимчаси билан ҳам ҳосил
қилинган:

Кульш ғура меним йеткэнгэ берди,
Шэкэр шура меним текэнсэ берди. (140)

Тушум келишигининг баъзан -г/-иг қўшимчаси билан
ҳосил қилинган и.акли учрайди:

Жаҳан тапты срез жанны ушбу йсрик(г),
Недин бизлэргэ керинур тушдэ айтск. (310)

Бу мисолда йерик сўздаги -иг қўшимчаси кейинга
сатрдаги айтек сўзига қофия қилиниши муносабатн билан
жарангсиз ундош билан берилган, лскин сзувда ҳар икка-
ла сўз коф (U) билан сзилган. Демак, муаллиф ёзув-
даги қофияни сақлаш учун кофни ишлатишга мажбур
бўлган. Шучингдск, бу қўшимча достон тили учун типик
эмас. Маълум бўладикн, бу ўринда муаллиф қофия талаби
билан архаик тушум келишиги қўшимчасидан фойда-
ланишга мажбур бўлган.

Восита келишигидан унумли фойдаланилган:

Низамий назмы йанлыг туз созуцни,
Анын билгут хачина бу езуцни. (135)

Анын сўзи бу ерда у билан, ўша билан деган чънони
билдирган.

Ажун хушлукларындын конли кечти,
вз елигин башына тупрак сачты. (206)

Асар тилида чиқиш келишиги -дин/-дын/-тин/-тин
қўшимчалари билан ҳосил қилинганлиги нормага мувофиқ
келади. Шу билан бир каторда достон тилида қадимги
туркий тилда бу қўшимчалар билан ёндош
қўлланган -дан/-дэн қўшимчаси учрайди. Бу қўшимча
варианти қўлланишининг икки сабаби ҳақида фикр
юрйтиш мумкин:

1. Бевосита қадамги туркий тил унсурларининг
сақланиб қолиши дсб ҳам тушуниш мумкин.

2. Лозкм бўлган ўринларда тўла қофия ва вазнини
сақлаш учун ҳам бу вариантдан фойдаланилган бўлиши
мумкин.

Йана шахзадапыц хизматчы оғлан,
Кучэмлэб ғура алмыш тейу багдан. (139)

Бунда оғлан ва багдан сўзларининг тўла кофиясига эришиш ниятида шоир -дан қўшнмчасидан фойдаланган. Бунни қуйидаги байтларда ҳам қўриш мумкин:

Сабак алмыш хавада кушлар андан,
Сувда иврлкчэ қорқмаз болса тофан. (145)

Чсчэкни таза сркэн термэдим мэн,
Йел елтти нагахан кез/энди кездэн. (164)

Дсмак, асар тилида -дэн вариантининг қўлланишини юқоридаги нккинчи сабаб билан боғлаш мутлақо тўғри бўлади.

Жўналиш кслишигик ; шакллантирувчи кўрсаткич сифатида -кэ/-ка қўшимчаларининг қўлланиши асар тилининг меъёрини акс эттиради, яъни тил олди унлили асосга -кэ, тил орқа унлили асосга -қа варианты қўшилган.

Укуш сез барча халда йахши болмаз,
Тейу сабр ишкэ баглаб қышлар рЗз. (181)

Мунунтек айты ул сез айгучы пир,
Нетэкким чикть! саҳрақа жаҳангир. (180)

Икн авчы кслиб бир авқ,а кирди,
Замана ушбу йацлыг ав қурди. (181)

Дсмак, кадимгн туркий тилга хос бу ходиса „Хусрав ва Ширин“ асарида ҳам давом этган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, бу асарнинг ҳозирги узбек тилига ўтирилган матнида жўналиш кслисигнда III шахе эғалик кўшимчаларидан сўнг -нга—кўнглинга (181), сўзинга (181); -нга—хизматпнга, т бгинга (184) каби кўринишга эп бўлган ўринларга ҳам дуч келиш мумкин. Бу кўрсаткич араб алфбосида ҳам нуну кофу алиф, нуну ғайну алиф билан берилган.

Бунда икки хил фикр юритиш лозим бўлади:

1. Бу сўзлардаги н ундошини оралик (интеркаляр) то-

вуш деб тушуниш мумкин, чунки бу товуш ҳозирги узбек тилида ҳам қўлланб ксломқда.

2. Эски узбек езувида ҳам, ҳозирги узбек езувида ҳам шундай ноқулайликлар мавжудки, жонли тилга хос бўлган барча имкониятларни бериш қийин. (Бундай қийинчилик дунедаги деярли барча ёзувларда мавжуд.) Бунни маълум даражада транскрипцион белгилар билангина амалга ошириш мумкин. Шу муносабат билан кадимги туркий тилда ҳам бўлган, мазкур дoston тилида ҳам давом этган жўналиш келпшигининг -цэ/-ца вариантларини араб ёзувида ҳам, ҳозирги ўзбек езувида ҳам ўқувчига стказиш қийин, яъни -нгз/-нга (\Œi/A*i>) шаклида езувда намоён бўлиши қутилган натижани бермайди. Лфсускн, котибларнинг -цэ/-ца қўшимчагипи нуну кофу алиф ҳамда ғайну хойи хлпваз билан беришдан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Бу қўшнмча II шахе эғалик қўшимчасидан сўнг -а/-э қўшимчасиии қўйиш туфайли юз берган деган маънода т"шунилиши мумкин, лекин аслида интеркаляр товуш ва -гэ/-ға қўшимчаларининг сингишиб кетишндан ҳосил бўлган.

Бунни мен олмоши мисолида ҳам қўриш мумкин:

Мана чун йоқ смиш асайыш андын,
Ажаб мен кандын, ушбу кадгу кандын. (281>

Ажратиб кўрсатилган сўз аслида , транслитерацияда манга тарзида берилган. Қўринлдики, транслитерацияга биноан бу сўз шаклини бутундай нотўғри ўқиш учун имконият бор.

Қуйидагн ўринда -цэ қўшимчасннинг амали аник кўринади:

Кези нэргис, мсци анбар, спи гул,
Аныц хусницэ "орлуклэр камуг гул (253).
Бак,ыб.алты йонпцо ншни коз^з,
Агар бир пени болмаса кизлэ. (229)
Бойум шаҳрица кошлум ерди султЗн,
Жаным андын қабул килдыг бу фарман. (135)

Лекин бундан -гэ/-ға қўши.мчалари мустақил

қўлланилмаган, деган хулоса чиқмаслиги керак. III шахс эгалик қўшимчаларидан сўнг н интеркаляр товуш сифатида қўлланиб, -га/-ға мустакил рапишда жўналнш келишиги қўшимчаси сифатпа катнаша олган:

Ийэрэ ксчдим хам аныц қатышға,
Қули теп айурлар аныц атышға. (250)

Тартиб соннинг қадимги туркий тилга хос бўлган -нч қўшнмчаси билан ҳосил қилинган варианты қайд қилинади:

Икинч элгэ алыб ул тсшэсини,
Йана башлар узакы пешасини. (239)

Ортгирма даража сифати кэд, йавлак, асру, асры (жу-да) равишлари билан хам ^осил қилинган:

Фэлэк астында кездим мунча афак,
Ажайыб кердум ичрэ йавлак (143)

Бу ўрннда йавлак сўзи ажайыб сифатига алокадор.

Нсчэким асру йугрук ерсэ шабдыз,
Бу 'гулгун, йугуруши хам анча ерур таз. (223)

Айыты соцра кэд қадғуда калдым,
Қарарим кетти бир ксдин йокалдым. (287)

Асарда адын • (азын), қамуғ, тэкмэ, уш сўзлари қўлланган:

Тилэдим хорлуцы вактышда аны,
Адын (бошқа) болмаса анын, хаққн капы. (223)

Қамуғ барча шахдын алур малу хыражын
Агар бермэса тушрур башда тажын (143)

Агыб оқ захмы бирлэ тэкмэ бир қиз,
У чар қуштеқ кидикни кылды жансыз. (125)

Йана уш бизгэ давлат йары келди,

Не ким сақ,ынды ўз башына келди. (213)

Феълнинг амалий шаклларида ҳозирги даврда мавжуд бўлган қўшимчалар билан бирга қадимги туркий тилга хос бўлган қўшимчалар хам қўлланган:

-ытли/-игли сифатдош қўшимчаси:

Қайу мажлыедаким свзлэсэ ул ай,
Оқы1гы1лар кнлур эрди тэлым вай. (277)

-у/-у. -йу/йу равишдош қўшимчаси:

Бу йанльзғ сезлэр айту, йнғлағу зар,
Йўзин сурат онышда йергэ суртар. (239)

-мадин равишдош қўшимчаси:

Ахыр уш иккимиздин взгэ ким бар,
Сақшмадин сақъжмақ недия, ей йар. (195)

Шарт майлининг II шахс бирлигида -нан/-н,ан қўшимчасининг қўлланиши хам дoston тилининг ўзига хослигидир:

Агар керт-у мусулман ерсэцэн бир,
Недин кылмазеен ул авазы тэкбир. (260)

Уш андын айды: „Ей фарзана Фархад,
Керэкким қышақан емди мени шад". (288)

Буйруқ-истак майли феълининг III шахеида -су/-су қўшимчаси катнашган.

Буйурды келсу теб барбатчыны шах,
Ачнк болсун теди келгинчэ даргах. (215)

Киши кирмэс бағчилар багына,
Тавар сумэсунлэр хам терла гарына. (138)

Лекин -сун/-сун қўшимчаси хам қўлланганлиги юкоридаги мисоллардан кўриниб турибди.

Бу каби эски туркий тилга оид морфологик унсурлар

достой тилида анчагина. Энди асар тилига хос бўлган айрим морфологик хусусиятларни келтираамиз.

Сўз гнакларида ўгуз гурухи тилларининг фонетик хусусияглари сақланади:

а) бўлишсизлик шаклидан сўнг ксласи замон сифатдоши -з қўшимчаси билан ҳосил қилинади:

Камуғдыш озруб ул хидмат жаҳапын,
Кечурмаз ерди хидматсыз заманын. (138)

б) ҳозирги-ксласи замон феъли бўлишсиз -ман/-мэн қўшимчаси билан қўлланган:

Мэликмэн йазуқ,ны билмэн тедей ҳсч,
Айыттылар кечэ ким калды ул кеч. (139)

Фсъл ясалишида ҳам ў_ даврига хос бўлган қўшимчалар учрайди:

Ҳамиша сулчирэсун гул чы^айын,
Мувафьк, тушеу мен кул бирлэ райыч.

Юкламалардан ҳозирги қозок, қорақалпоқ, тилларида учраб турадиган тек (факат) юкламаси қўлланган:

Айытты: гар кезуцни хаста кылса,
Айытты: разымен тек кезкэилеэ.

-ма юкламаси (баъзан боғловчиси) кайд қилинади:

Сурайадын Зухра йащачдын ма биржис,
Сэадат бермиш ул таслису тасдис. (203)

Форсий морфологик унсурлардан ҳам, яъни „ёйе ишорат" шаклидан ҳам фойдаланилган:

Ханым бирлэ мэликэ атына бир
Китабе қил._қа қыл теди тадбир. (135)

Агар учтмахда хуре ереэ машх,ур
Ул ел учтмах ерур ул фитналар хур. (145)

Грамматик шакллар **ва** аруз вазни. Достон тилида айрим фсъл шакллари қисқарган, яъни **-ғай** қўшимчаси **-ға**, -гэй қўшимчаси -гэ шаклларида учрайди. Бу ҳол баъзи мураккаб (аналитик) феъл шаклларида ҳам, соддалашган (**синтет1**.клашган) вариантларда ҳам кўринади. кврди **есэ** феъли кррдисэ, қылды есэ феъли қылдыса шаклида қўлланган. Юқоридаги қўшимча таркибдаги „й" товуши қисқариши ва кейинги соддалашган шаклларнинг юзага келиши сабаблари ҳақида адабиётларда махсус изоҳ берилмайди. Бизнингча, бунинг сабабини аруз вазн билан боғлаш жоиз бўлади, чунки асар тилида вазн кўтарган ўринларда **-ғай/-гэй**, қылды ереэ, корди ереэ шакллари қўлланган. Бундан грамматик шаклларнинг фонетик ўзгаришга учрашини тилда унинг шундай вариантлари бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин бўлади, лекин уни, бизнингча, қўп жихатдан вазн (қиска ва чўзиқ хижола) билан боғлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мисолларга мурожаат қилайлик:

Не-т^ -ил^ -та^ -гы- 1цаб-ир-бар-га-мен-теб,

Бу-коц-лум-қад-гу-сьш-мт-ар-га-мен-теб. (135)

У-зун-қун-бир-лэ-бол-ды-ул-па-ри-лэр

• ^-чэй-ы1Г-лы1н-ға-б113-қай-ра-де-ди(й)-лар.

Демак, **бу** ўринда вазн учун қиска хижо зарур бўлган ва шу туфайли ҳам муаллиф -ғай қўшимчасини **-ға** тарзида қўллашга мажбур бўлган.

Вахрланки вазн ўлчовига монёлик қилмаган барча ўринларда **-ғай** қўллана берган:

Не-тэк-таб-ғай-ме-нан-ы1т-ей-у-тур-ды1,

Кв-зач-тыц-аг-Тх-ул-сур-ат-нш-кер-ди.

V_____ч /_____ _____

Бу фикрни қилдм эса // ерсэ каби шаклда ҳам қўллаш мумкин.

Йы-рак-дан-кер-ди-сэ-ш-ир-ин-са-рай-ын

V_____ч /_____ V_____

Айии ўривда, яъни вазн кутарган жойда бу шакл туда қўлланган:

К^-т^-ди-ер^с^-маш-рѝи^-дың^-шын-кун

^а,-ман-ат-аж к^-дис-ар-ыг- ^-лт-ун

Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун фа-у-лун

Демак, грамматик шаклларнинг қисқарган, ва тўла холда қўлланиши вазн ўлчови талаби билан амалга оширилган.

Умуман олганда, „Хусрав ва Ширин“ достони XIV аср узбек адабий тилини ўрганишда муҳим манба сифатида катта аҳамиятга молик бўлган асардир.

ИЗОҲЛАР

1. Турсунов У., Ўринбоев Б. Узбек адабий тили тарихи. — Тошкент, 1982.
2. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Узбек адабий тили тарихи. — Тошкент, 1995; Мухторов А., Санакулоо У. Узбек адабий тили тарихи. — Тошкент, 1995.
3. Қаранг: Маллаев Н.М. Узбек адабиёти тарихи. — Тошкент, 1976, 241-бет.
4. Шчербак А.М. Грамматика староузбекского языка. — М.—Л, 1962, с. 20. Фозилов Э. XIV аср Хоразм ёдномалари. — Тошкент, 1973, 131-бет.
5. Шчербак А.М. Кўрсатилган асар. 20-бет.
6. Узбекистан ССР тарихи. — Тошкент, 1970, 455-бет.
7. Узбекистан ССР тарихи, 457-бет.
8. Шчербак А.М. Кўрсатилган асар, 21-бет. А.М.Шчербакнинг бу фикрини У.Турсунов ва Б.Ўринбоевлар тўғридаи-тўғри ўз асарларида келтирадилар. Қаранг Турсунов У., Ўринбоев Б. Кўрсатилган асар, 53-бет.
9. Фозилов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века: Автореф. дисс. ...док.филол.наук. — Ташкент, 1967, с. 22-24.
10. Маллаев Н.М. Узбек адабиёти тарихи. — Тошкент, 1976, 252-бет.
11. Шчербак А.М. Кўрсатилган асар, 21-бет.
12. Турсунов У., Ўринбоев Б. Кўрсатилган асар, 52-бет.
13. Наджиб Н.Э. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века. М., 1979, С. 92.
14. Махмудов К. XIII—XIV аср езма обидалари тилининг фонетик системаси. — Тошкент, 1990, 105-бет.
15. Наджиб Э. Кўрсатилган асар. 72-бет.
16. Наджиб Э. Ўша асар, 75-бет.
17. Бу ҳақда қаранг: Қўчқортоев И., Исабеков Б. Туркий филологияга кириш. — Тошкент, 1984, 74—75-бетлар.
18. Афтидан, XIV ва XV аср узбек тилида туркий сўзлашларда 9 та унлининг қўлланиши характерли бўлган. Бу ҳақда қаранг: Шукuroв Ш. Эски узбек, тили унлилари // Узбек тили ва адабиёти, 1992, '4-сон, 25-бет.
19. Қаранг: Абдурахмонов Ғ., 11 укурров Ш. Узбек тилининг тарихий грамматикаси. — Тошкент, 1973, 4-бет.
20. Қаранг: Наджиб Э. Кўрсатилган асар, 94—95-бетлар.

21. Махмудов Қ. Қўрсатилгон асар, 106- бет.
22. Абдурахмонов Ғ.. Рустамов А. Қвдимги туркий тил. — Тошкент, 1982, 8 бет.
23. Яна қаранг: Наджиб Э. Қўсатилган асар, 96- бет.
24. Махмудов Қ. Қўрсатилган асар, 73- бет.
25. Қаранг Абдурахмонов Ғ.. Шукуров Ш. Қўрсатилган асар, 151—152, 182—183- бетлар.

МУНДАРИЖА

Мукаддима	3
Лсар тили ва шева хусусида	4
Достой тилининг лексик хусусиятлари	7
Достон тилининг фонетик хусусиятлари	9
Морфологик хусусиятлари	12

АШИРВОЕВ САМИХОН

ҚУТБНИНГ „ХУСРАВ ВА ШИРИН“ ДОСТОНИ ВА ЎЗПЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Олий ўқув юртлари узбек филологияси
факультетларининг сиртки бўлим талабалари
учун қўлланма

Тошкент „Ўқитувчи“ 1997

Тахрирнинг муҳри *А. Зиёдо*
Муҳаррир *М. Аҳмедов*
Балхий муҳаррир */>. Юсупов*
Техник муҳаррир *Т. Грешикова*
Мусаххих *Л. Мирзааҳмедов*

ИБ № 7145

Босишга рухсат этилди 2. 01. 97. Бичими 84x108 1/32. Тип. тайме гарн.
Кегли 10 шмонсиз. Юзори босма усулида СоСИДИ. Шартли б.л. 1,26.
Шартли кр.-отт. 1,68. Иашр.л. 0,74. 3000 |гусхада босилди. Вуюртма £ } /

"Ўқитувчи" нашристи. Тошкент, 129. Н. оий қўчаси. 30. Шартнома 24-142-96

Оригинал-макет "Ўқитувчи" нашрининг компьютер бўлимида
техникавий на дастурИЯ воситалар асосида тайёрланган.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг тезкор босиш бос-
махонаси. Тошкент, Радиал тор қўчаси, 10. 1997.